

Фарзанд туғилганида нималар қилиш керак?

18:33 / 24.04.2016 21078

Аллоҳ бизга фарзанд ато этди. Фарзанд туғилиши эр-хотинга қандай вазифаларни қўяди?

ЖАВОБ: Бола туғилганидан сўнг қилиниши лозим бўлган суннат ва мустаҳаб ишларнинг муҳимлари қуйидагилар:

1. Гўдак туғилганидан хушxabар бериш ва у билан қутлаш мустаҳабдир. Зеро, хушxabар мусулмонни қувонтиради ва хурсанд этади. Инсон фарзанди туғилса ё аёлининг ҳомиладорлиги билинса ҳам, хурсанд бўлиши мустаҳабдир. Марям сурасининг 7-ояти мазмуни шундай: «Эй Закариё! Биз сизга Яхё деб исмланган бола ато қилишимиз хушxabарини берамиз. Бу ном билан олдин ҳеч бирни атамаганмиз». Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ва унинг аёлларига ҳам фарзанд хушxabарини берган.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳдан табрик борасида шундай ривоят қилинади: у зотнинг олдиларида фарзанд кўрган бир киши ўтирарди. Ҳузурларига яна бир киши келди ва унга: «Отлиқ севинтирсин», деб табриклади. Шунда Ҳасан Басрий: «У отлиқми ёки эшакбоқарми, қаёқдан биласан?» дедилар. «Унда нима дейишимиз керак?» деди у одам. «Аллоҳ фарзандингизни муборак қилсин, берган Зотга шукурли бўлинг, фарзандингиз камолга етсин ва унинг яхшилиги сизга насиб этсин, деб айтинг», дедилар Ҳасан Басрий.

2. Чақалоқ туғилганидан кейин биринчи эшитадиган сўзи азон бўлиши учун ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтиш мустаҳабдир.

3. Чақалоқ туғилгач, отаси ё бошқа фозил киши хурмо ё шунга ўхшаш нарсани чайнаб, уни чақалоқ оғзига суриши, танглайини кўтариши ҳам мустаҳаб. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромлардан бир нечаларнинг фарзандларига шундай қилганлар. Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмонинг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр (Аллоҳ таоло уларнинг барчаларидан рози бўлсин) туғилганларида Пайғамбаримиз шундай қилганлар. Асмо унга Маккада ҳомиладор эдилар ва Мадинага хижрат қилиб Қубога келишлари билан Абдуллоҳни туғдилар. Уни Расулуллоҳ ҳузурларига олиб борганларида, Расулуллоҳ хурмо

келтиришларини сўрадилар ва хурмони чайнаб уни оғзига туфладилар. Шундай қилиб, унинг қорнига биринчи кирган нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тупуклари бўлди. Сўнг хурмо билан оғзини сурдилар ва ҳақиқага дуо қилдилар, унга барака тиладилар. Абдуллоҳ Мадинадаги муҳожирларнинг Ислонда туғилган биринчи чақалоғи эди.

4. Бола туғилганида унга яхши ном қўйиш суннатдир. Ном қўйишни етти кундан кечиктириш номаъқул. Имом Муслим Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бу кеча бир ўғил кўрдим, уни отамнинг исми билан Иброҳим деб номладим». Расулуллоҳнинг бу ўғиллари Марям Қибтийя розияллоҳу анҳодан туғилган эди. У чўрилари эди. Муслмон бўлган эди. Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Пайғамбаримиз соллаллаҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: «Аллоҳ аzza ва жаллага энг суюкли исмларингиз Абдуллоҳ ва Абдурахмондир». Бошқа ҳадисларида айтадилар: «Пайғамбарларнинг номларини олинг!» Исмларни бузиб айтиш макруҳ бўлади.

5. Ўғил болани хатна қилиш суннатдир. Уни кечиктириш макруҳ. Хатна барча пайғамбарларнинг суннати (Аллоҳ билувчидир).